

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ВОХИД БАФОЕВИЧ**

**ДИФФУЗ ПЕРИТОНИТ БИЛАН ОҒРИГАН**  
**БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

УЎК: 616-06.32-002.329

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ражабов Вохид Бафоевич**

Диффуз перитонит билан оғриган беморларда даволаш усулини  
такомиллаштириш.....3

**Ражабов Вохид Бафоевич**

Усовершенствование метода лечения больных с диффузным  
перитонитом .....27

**Rajabov Vokhid Bafoevich**

Improvement of the method of treatment of patients with diffuse  
peritonitis .....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....54

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ВОХИД БАФОЕВИЧ**

**ДИФФУЗ ПЕРИТОНИТ БИЛАН ОҒРИГАН**  
**БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШ УСУЛИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.3.PhD/Tib4338 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Сафоев Бакодир Барноевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Рузибоев Санжар Абдусаломович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент <b>Сараев Алишер Рахматуллоевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Тожикистон Республикаси)
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Академик В.В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази</b>

Диссертация химояси 2025 йил «6» Май соат 12<sup>30</sup> да Бухоро давлат иёғ институти хузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 Илмий кенгашнинг 2025 йил "Май" кунини соат 12<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтини ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил "25" апрел кунини таркатилади.  
(2025 йил "25" апрел даги 01 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Т. Уроков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда, янги жарроҳлик даволаш усуллари жорий этилгани ва такомиллаштирилгани, интенсив терапиянинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланишга қарамай умумий перитонитларда ўлим даражаси юқориликча қолмоқда. Детоксикациянинг асосий элементи бўлмиш операция давомида ва операциядан кейинги даврдаги қорин бўшлиғининг адекват санацияси масаласи ҳозиргача долзарб бўлиб қолмоқда. Юқоридаги муммоларни ҳал этиш мақсадида «...қорин бўшлиғини оддий дренажлаш ва ювишдан тортиб то лапаростомия ва режалаштирилган релапаротомия...»<sup>1</sup> гача турли усуллардан фойдаланиш таклиф этилган. Умумий перитонитни даволашда ҳозирги вақтда охириги икки усулга эътибор қаратилади. Чунки бу тадбирлар нафақат қорин бўшлиғини самарали санация қилиш, балки перитонит кечишини назорат қилиш имконини ҳам беради.

Дунё миқёсида сўнгги ҳар ўн йил ичида перитонит билан оғриган беморлар сони тахминан икки бараварга ошмоқда. Сўнгги йилларда жарроҳлар перитонитни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг патогенезини чуқур ўрганишга эътибор қаратишмоқда. Шунга қарамасдан 100 йилдан ортиқ вақт давомида перитонит муаммоси бутун дунё бўйлаб жарроҳларни ташвишга солиб келади, жумладан тарқалган йирингли перитонитдан кейинги ўлим курсатгичи деярли ўзгаришсиз қолмоқда ва 4,5% дан 58% гача, хаттоки унданда юқори фоизни ташкил этади. Перитонитнинг оғир шаклларида ўлим 30-50% дан ошиши мумкин. Параллел равишда сепсис, септик шок ва кўп органлар етишмовчилигининг ривожланиши ўлим кўрсатгичини 70% дан ҳам ортишига сабаб бўлади. Тадқиқотлар натижаси шунни курсатадики, перитонит шаклидан қатъий назар, жарроҳлик аралашуви уни даволашнинг энг самарали усули бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, касалликларни юқори технологияли клиник ва иммунологик усуллар ёрдамида даволашни такомиллаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси сифат жиҳатидан яхшиланди, касалликларни самарали даволаш бўйича мақсадли, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ривожланиш стратегиясига мувофиқ, ҳудудларда «бир қадам» тамойили асосида бирламчи тиббий ёрдамни яратиш мақсадида «...замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолига масофавий тиббий ёрдам

---

<sup>1</sup> Тарқалган йирингли перитонит: беморлар аҳолининг оғирлигини баҳолаш ва хирургик тактикасини танлаш/ А.М. Карсанов, С.С. Маскин, Т.В. Дербенцева. Матн: бевосита // Замонавий илм-фан: назария ва амалиётнинг долзарб муаммолари. Серия: Табiiй ва техник фанлар. – 2020. – № 8. – Б. 173–178.

кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш...»<sup>1</sup> вазифалари ҳал қилинмоқда. Шунга асосланиб, диффуз перитонит билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш долзарб бўлмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва 2022 йил 25 апрельдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлмиш VI "Тиббиёт ва фармакология" га мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги тадқиқотларда тарқалган йирингли перитонитнинг оғир шакллари жарроҳлик даволашда қорин бўшлиғини дастурий санация қилиш етакчи рол ўйнамоқда. (Карсанов, А. М. ва бошқ., 2020).

Тарқалган перитонитни даволашда дастурий санацияни қўллаш улуши, шунингдек уларни амалга ошириш пайтида ўлим даражаси турли клиникаларда сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилади ва 16,7-71,6% ни ташкил қилади. Бу эса жарроҳларнинг дастурий санация кўрсаткичларини аниқлашдаги турлича ёндашувидан далолат беради. Ҳозирги вақтда қорин бўшлиғини дастурли санациясини амалга оширишнинг баъзи тактик ва техник жиҳатлари охиригача ўрганилмаган. Гарчи бир қатор тадқиқотларда дастурли санациянинг эмпирик ечимлари сонини камайтириш учун алгоритмлар яратишга қаратилган уринишлар бўлишига қарамасдан, тарқалган йирингли перитонитда дастурий санация ўтказишнинг ягона кўрсатмалари шу кунгача ишлаб чиқилмаган. Айни вақтда кўпгина хирургларимиз дастурли санация учун операция вақтидаги ҳолат ва натижаларни ўзларига етакчи белги қилиб олишган (Асраров А.А ва бошқ., 2018).

Босқичма-босқич жарроҳлик технологияларидан фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш ва шакллантириш учун кўплаб клиникалар бемор аҳволининг оғирлигини, қорин бўшлиғи органлари зарарланишининг табиати ва ҳажмини комплекс баҳолаш каби турли хил тизим ва алгоритмлардан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистон ривожлантириш стратегияси 2022-2026» ҳақидаги ПФ 60-сонли фармони.

фойдаланишмоқда. Кўпгина муаллифлар Мангейм перитонеал индексдан фойдаланишни афзал кўришади. Бироқ, Мангейм перитонеал индексини аниқлаш ва ҳисоблаш соддалигига қарамай, у асосан перитонитларда ўлим кўрсаткичини башорат қилиш учун мўлжалланган ва касаллик кечишини динамик назорат қилиш учун фойдаланиб бўлмайди (Каримов Ш.И. 2022).

Тақдим этилган концепцияга асосан абдоминал сепсиснинг ривожланиш частотаси тарқалган перитонит билан оғриган беморларда камида 20% ни ташкил қилади. Ўлим кўрсаткичи 38-67% га етиб, инфекция-токсик шок ривожланиши баробарида 86,4-90,9% гача ортиши мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлар ўрганилаётган патологиянинг оғирлиги ва ўта долзарблигини кўрсатади (Бадасян А. Н. ва бошқ., 2019).

Тарқалган перитонит патогенезидаги энг муҳим бўғин ичак етишмовчилиги синдромига олиб келувчи динамик ичак тутилиши ҳисобланади ва унга қарши курашиш учун ичак интубациясининг турли усуллари қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда ичак декомпрессиясининг ноинвазив усуллари маъқул кўрилади ва улар орасида назоинтестинал интубацияга кўпроқ урғу берилмоқда. Умумий перитонитда ингичка ичак интубациясидан фойдаланиш натижалари одатда қулайдир, аммо турли муаллифларнинг асарларида ўлим кўрсаткичларининг 13,9 дан 64,7% гача бўлиши, бу муаммонинг ҳалигача долзарблигини кўрсатади ва умумий перитонитда ичак декомпрессиясига қўшимчалар киритишга ундайди (Винник Ю.С. ва бошқ., 2019).

Шу нуқтаи назардан, ушбу патологияни клиник жиҳатдан тушунтириш, касалликнинг ривожланишини башорат қилиш, уни даволашнинг мураккаб, индивидуал усуллари ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (09.2024.PhD.202) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорин бўшлиғини дренажлашнинг мақбул усулини ишлаб чиқиш орқали диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

диффуз перитонитни анъанавий даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш;

қорин бўшлиғини дренажлашнинг такомиллаштирилган усули ёрдамида диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволаш натижаларини ўрганиш;

назорат ва асосий гуруҳлардаги беморларни даволаш натижаларини қиёсий баҳолашни амалга ошириш;

беморларнинг турли гуруҳларини даволашнинг олинган натижаларини таҳлил қилиш асосида диффуз перитонитли беморларни жарроҳлик даволашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 2018-2024 йилларда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шошилиш жарроҳлик бўлими ва РШТЎИМ Бухоро филиалида даволанган турли этиологияли диффуз перитонит билан касалланган 103 беморни қиёсий жиҳатдан даволаш натижалари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашда қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун мўлжалланган поликаналли мосламани ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун лабаратор, клиник-инструментал, рентген, ултратовушли ва эндоскопик тадқиқот усуллари, интоксикация кўрсаткичлари ва биокимёвий кўрсаткичлар динамикасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

диффуз перитонитни анъанавий усулда даволашда қорин бўшлиғини санация қилиш орқали инфекция билан курашиш усуллари перитонитни қисқа муддатларда бартараф этилишига ижобий таъсир этмаслиги аниқланган;

илк бор диффуз перитонитни даволашнинг жарроҳлик босқичида қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун бугунгача маълум бўлган қорин бўшлиғини анъанавий дренажлаш усулларида кўра самаралироқ бўлган янгича такомиллаштирилган поликаналли мослама ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган;

анъанавий усулда қорин бўшлиғини дренажлаш орқали диффуз перитонитни даволаш натижалари ҳамда янгича ишлаб чиқилган қорин бўшлиғини дренажлаш усули натижаларини илмий-статистик таққослаш йули билан янги даволаш усулининг самардорлиги исботланган;

диффуз перитонитни даволашнинг жарроҳлик босқичида поликаналли дренаж мосламасидан фойдаланиб, қорин парданинг яллиғланган соҳаларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида, қорин бўшлиғининг анатомик хусусиятларидан келиб чиқиб микроирригаторларни ўрнатиш усулини қўллаш, даволаш натижаларига ижобий таъсир қилиши ўрганилган ҳамда асоратлар, ўлим кўрсаткичининг камайиши, перитонитни бартараф бўлиш муддатининг тезлашиши, шу билан биргаликда стационар даволаниш кунларининг қисқаришига эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

поликанал мосламадан фойдаланиш диффуз перитонитни даволашнинг самарали усули эканлиги аниқланган;

биз томондан таклиф этилаётган поликанал мослама диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашнинг жарроҳлик этапида қўллаш учун кўрсатма эканлиги исботланган;

диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

поликанал мосламадан фойдаланиш қорин бўшлиғини инфекциядан халос бўлиш ва ичак перисталтикасини тикланиш вақтини тезлаштиришга, шу билан биргаликда перитонитни бартараф бўлиш вақтини тезлаштириб, диффуз перитонит билан оғриган беморларни стационар даволаниш муддатини 3-4 кунга қисқартиришга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотлардан олинган натижалар билан мувофиқлаштириш, ўтказилган текширувларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор, инструментал, статистик тадқиқот усулларида фойдаланиш, диффуз перитонит пайдо бўлишининг клиник хусусиятлари, шунингдек уларни ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштиришдан иборат бўлган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик қайта ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифлар диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшадиган ўзига хос назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланган. Клиник амалиётда диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашда кўп каналли мосламадан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқилган ва аниқланган. Турли этиологияли диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволаш усули сифатида кўп каналли мосламадан фойдаланишнинг мақбул усули ишлаб чиқилган.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, қорин бўшлиғи инфекциясидан халос бўлиш вақтини тезлаштириш учун диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашнинг мақбул усули ишлаб чиқилган. Кўп каналли мосламадан фойдаланиш перитонитни бартараф этиш вақтини тезлаштиришга ёрдам беради ва шу билан бирга асоратларнинг пасайишига ва стационар даволаниш муддатининг қисқаришига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 25 сентябрдаги 06/90– сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* диффуз перитонитни анъанавий усулда даволашда қорин бўшлиғини санація қилиш орқали инфекция билан курашиш усуллари перитонитни қисқа муддатларда бартараф этилишига ижобий таъсир этмаслиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* антибактериал воситаларни поликаналли мослама орқали қорин бўшлиғига жўнатиш орқали, жароҳатни йиринглаши, ичаклараро абсцесслар, диффуз перитонитни секин кечувчи тарқалган перитонитга ўтиши каби асоратлар сезиларли даражада камайишига эришилган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари РШТЎИМ Бухоро филиалига

(05.04.2024 йил, №42 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.07.2024 йилдаги 2332-2-208-ТВ/2024—сонли буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу янги даволаш усулини қўллаш, асоратлар сонини камайтириш, даволаш сифатини яхшилаш ва беморларда ўлим хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* беморларни касалхонада ётиш ўртача давомийлигини 3-4 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни эса 150000 сўмга тежалишига эришилган. *Хулоса:* диффуз перитонит билан оғриган беморларда анъанавий даволаш усулидаги камчиликларни ўрганиш орқали асоратларни, ўртача даволаниш кунини, қорин бўшлиғини инфекциядан тозаланиш вақтини камайтиришга, даволаш натижаларини яхшилашга эришилган.

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор диффуз перитонитни даволашнинг жарроҳлик босқичида қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун бугунгача маълум бўлган қорин бўшлиғини анъанавий дренажлаш усулларида кўра самаралироқ бўлган янгича такомиллаштирилган поликаналли мослама ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* олинган натижалар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, қорин бўшлиғининг антибактериал воситалар етиб бориши қийин соҳаларига мазкур воситаларни мақсадли киритишга катта ҳисса қўшади. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЁИМ Бухоро филиалига (05.04.2024 йил, №42 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.07.2024 йилдаги 2332-2-208-ТВ/2024—сонли буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* янгича даволаш усули фониди беморлар эрта муддатларда одатдаги турмуш тарзига қайтган. *Иқтисодий самарадорлик:* касалхонада ётишнинг ўртача давомийлигини 3-4 кунга камайтириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 150000 сўмга камайтирилган. *Хулоса:* қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун такомиллаштирилган поликаналли мослама диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволанишига ижобий таъсир кўрсатган.

*учинчи илмий янгилик:* анъанавий усулда қорин бўшлиғини дренажлаш орқали диффуз перитонитни даволаш натижалари ҳамда янгича ишлаб чиқилган қорин бўшлиғини дренажлаш усули натижаларини илмий-статистик таққослаш йули билан янгича даволаш усулининг самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* антибактериал воситаларни поликаналли мослама орқали қорин бўшлиғига жўнатиш натижасида, қорин бўшлиғини инфекциядан тозаланиш вақтининг қисқариши ва ичаклар перистальтикаси тикланиш муддатларининг тезлашиши каби самарадорликни кўрсатган. *Амалиётга жорий этилиши:* РШТЁИМ Бухоро филиалига (05.04.2024 йил, №42 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.07.2024 йилдаги 2332-2-208-ТВ/2024—сонли буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни поликаналли мослама орқали жўнатиш диффуз перитонит билан оғриган беморларни

самарали даволанишига, асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашнинг операция этапида поликаналли мосламани қўллаш, даволаш харажатларини қисқартиришга ёрдам берган, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 150000 сўмга камайтирилган. *Хулоса:* диффуз перитонит билан оғриган беморларни даволашнинг операция этапида поликаналли мосламани қўллаш, кўндаланг чамбар ичак тутқичи ости, ингичка ичак тутқичининг илдизи ва қорин бўшлиғининг ҳар бир перитонит ҳисобига зарарланган соҳаларини алоҳида-алоҳида дренажланишига, шунингдек анъанавий даволаш усулига қараганда операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичини камайишига ёрдам берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* диффуз перитонитни даволашнинг жарроҳлик босқичида поликаналли дренаж мосламасидан фойдаланиб, қорин парданинг яллиғланган соҳаларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида, қорин бўшлиғининг анатомик хусусиятларидан келиб чиқиб микроирригаторларни ўрнатиш усулини қўллаш, даволаш натижаларига ижобий таъсир қилиши ўрганилган ҳамда асоратлар, ўлим кўрсаткичининг камайиши, перитонитни бартараф бўлиш муддатининг тезлашиши, шу билан биргаликда стационар даволаниш кунларининг қисқаришига эришилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* поликаналли мослама микроирригаторлари орқали антибактериал воситалар ҳар 5-6 соатда кўндаланг чамбар ичак тутқичи ости, ингичка ичак тутқичи илдизи ва қорин бўшлиғининг ҳар бир перитонит ҳисобига зарарланган соҳаларига мақсадли юборилиши самарали усул эканлиги исботланган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалий маълумотлар РШТЎИМ Бухоро филиалига (05.04.2024 йил, №42 буйруғи) ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.07.2024 йилдаги 2332-2-208-ТВ/2024—сонли буйруғи) амалиётга татбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган даволаш усули асоратлар фоизини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш сифатини яхшиланишига ва беморларнинг тикланиш муддатларини қисқартиришга ёрдам берган. *Иқтисодий самарадорлик:* беморнинг касалхонада ётиш вақтини ўртача 3-4 кун қисқариши билан, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 150000 сўмга камайиши бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган. *Хулоса:* диффуз перитонитни даволашнинг жарроҳлик этапида поликаналли мосламадан фойдаланиш илмий янгиликни аҳамиятини оширган ва бу усулни амалиётда татбиқ этилиши илмий ишнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва мавзуси тавсифланган. Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва илмий ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Перитонит муаммоси ҳақидаги замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида етакчи маҳаллий, рус ва хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибасини акс эттирувчи адабиётлар шарҳи келтирилган. Бўлим диссертация мавзусидаги адабий манбаларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу бобда перитонитнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси ва замонавий даволаш усуллари ҳақидаги замонавий қарашларга бағишланган турли муаллифларнинг тадқиқот натижалари материаллари акс эттирилган. Шарҳ жуда яхши адабий тилда ёзилган. Биринчи бобда таҳлил қилинган материал диссертация иши мавзуси бўйича ҳал қилинмаган муаммоларни аниқлаш учун етарли ҳисобланган. Кейинги бобларда хусусий тадқиқотлар маълумотлари ва муҳокамалари тасвирланган жадваллар, рақамлар ва қўшимча клиник мисолларда тасвирланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари, муаммонинг ечимини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган.

Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилиш жарроҳлик бўлими ва РШТЁИМ Бухоро филиалида 2018-2024 йилларда даволанган турли этиологияли диффуз перитонит билан касалланган 103 нафар беморни текшириш ва даволаш бўйича маълумотлар таҳлил қилинган.


Даволаш усулига қараб барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: I – таққослаш гуруҳи ва II – асосий гуруҳ. I-назорат гуруҳи 2018-2024 йилларда касалхонада анъанавий даволаш усуллари олган диффуз перитонит билан касалланган 57 нафар бемордан иборат бўлган.

I таққослаш гуруҳидаги беморларда, зарарланиш ўчоғи тафтиш қилиниб бартараф этилгандан сўнг, қорин бўшлиғи учта нуқтадан диаметри 0,7-0,8 см ўлчамдаги учта силикон дренаж трубкаси билан дренажланган. Қорин бўшлиғининг перитонитга алоқадор локализациясини ҳисобга олган ҳолда биринчи юқориги дренаж трубкаси ўнг ёки чап қовурға ёйи остига ўрнатилган. Ён деворларда 2-3 тешикли дренажнинг дистал учи жигар ости соҳасига ўрнатилган. Қорин парданинг зарарланиши ўнг ёки чап ёнбош каналларда ва чаноқ бўшлиғида жойлашганини ҳисобга олган ҳолда иккита пастки дренажлар ўрнатилган. Дренаж найлари операциядан кейинги даврда визуал назорат учун ва қорин бўшлиғи ажралмаси табиати, ҳажмини аниқлаш мақсадида фойдаланилган. Қорин бўшлиғи ажралмасидан ташхис ва антибиотик терапияси тактикасини аниқлаш мақсадида сифат ва миқдорий бактериологик текширишлар динамикада ўтказилиб турилди. Операциядан кейинги даврда, аниқланган микрофлоранинг антибиотикларга сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда, антибактериал воситалар кунига 3-6 марта юқори дренаж трубкаси орқали кўрсатмаларга мувофиқ юборилиб турилди. Микрофлоранинг антибиотикка сезгирлиги аниқлангунча эмпирик антибиотикотерапия мақсадида кунига сулбактам 1,0 дан кунига 2 марта ишлатилди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, аксарият ҳолларда минтақамиздаги патоген микрофлора ушбу антибиотикга сезгирлигини кўрсатади (70% гача).

Назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, II гуруҳнинг барча беморларида интероперацион этапда юқориги бир каналли дренаж урнида қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун поликаналли мосламадан фойдаланилди. Қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун поликаналли мослама поливинилхлориддан иборат бешта эластик дренаж найчаларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг проксимал охирилари қопқоқли микроирригаторлар билан жиҳозланган, узунлиги 40 см гача ва ҳар бирининг диаметри 0,2 смни ташкил қилади.

Бу дренаж найчаларни қорин бўшлиғига киритиш ва фиксация қилишга ёрдам берувчи узунлиги 5 см, диаметри 1-1,5 см бўлган силикон найча (муфта) бирлаштириб туради, дренаж найчаларнинг дистал охирида овал шаклдаги қарши оқимни таъминловчи тешиклари мавжуд (1-расм).

Дренаж найчаларнинг сони қорин бўшлиғини диффуз перитонит билан зарарланган регионлари сонига бевосита боғлиқ бўлади. Мисол учун, агар патологик жараён қорин бўшлиғининг учта соҳасида тарқалган бўлса, беш каналли мослама ишлатилган. Қарама-қарши учи сариқ бўлган дренаж найча кўндаланг чамбар ичак тутқичининг илдизи остига ўрнатилса, қарама-қарши учи яшил бўлган дренаж трубкаси ингичка ичак тутқичининг илдизига ўрнатилади, қарама-қарши учлари қизил рангга бўялган дренаж найчалари тегишлича қорин бўшлиғининг перитонит билан зарарланган соҳаларига ўрнатилади. Поликаналли мослама микроирригаторларидан антибиотик эритмаси кўрин бўшлиғига юборилади.



**1-расм. Қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун поликаналли мосламанинг схематик кўриниши.**

1-поликаналли мослама; 2-ўнг ёнбош канал соҳасига ўрнатилган дренаж; 3- кичик чанок бўшлиғига ўрнатилган дренаж;

Мосламанинг ўзига хос хусусияти шуки, ҳар бир дренаж найчаси қорин бўшлиғидаги жойлашувга қараб турли хил рангларга эга бўлади. Бу эса бизга қорин бўшлиғининг зарарланган ҳудудига антибиотикларни мақсадли юбориш имконини беради. Сарик микроирригатор дренажнинг кўндаланг чамбар ичак тутқичи остида жойлашишини кўрсатса, яшил микроирригатор эса дренажнинг ингичка ичак тутқичининг илдизида жойлашганини билдиради. Ушбу дренажлар диффуз перитонит қамраган майдонидан қатъий назар ўрнатилади. Қизил микроирригаторлар қорин бўшлиғининг перитонит қамраган майдонларига жойлаштирилиб, уларнинг сони қорин бўшлиғининг қанча соҳасини перитонит жараёнига алоқадор эканлигини кўрсатади.

Беморларнинг иккинчи гуруҳидаги антибиотикотерапия усули назорат гуруҳи каби бир бўлди, фақат улардан фарқли ўларок, асосий гуруҳдаги беморларга антибиотиклар турли микроирригаторлар орқали юқорида айтиб ўтилганидек қорин бўшлиғининг зарарланган соҳаларига алоҳида-алоҳида киритилди. Кичик чанок бўшлиғи дренажлаш эса худди назорат гуруҳидаги беморлардаги каби амалга оширилди.

Текширилаётган беморларнинг оғирлигини объективлаштириш ва ўлимини кўрсатгичини тахмин қилиш учун перитонит натижасини тахмин қилувчи Мангейм индекси (ПМИ) ишлатилди (1-жадвал).

## Перитонит натижасини тахмин килувчи Мангейм индекси


Хавф омили	Оғирликни баҳолаш, баллар	
50 ёшдан катталар	5	
Аёл жинси	5	
Органлар етишмовчилигининг мажудлиги	7	
Ёмон сифатли ўсманинг мажудлиги	4	
24 соатдан узоқ давом этган перитонит	4	
Перитонит манбасининг йўғон ичак билан алоқадорлиги	4	
Диффуз перитонит	6	
Шаффоф экссудат	0	
Йирингли-лойқа экссудат	6	
Ахлатли экссудат	12	
Степен оғирлик даражалари	Баллар	Ўлим
1 даража оғирлик	<21	2,30%
2 даража оғирлик	21-29	22,3
3 даража оғирлик	>29	59,10%

Ушбу индекс (MPI) ҳозирда перитонитнинг натижасини башорат қилиш ва баъзи ҳолларда жарроҳлик даволаш тактикасини аниқлаш учун энг кўп ишлатиладиган тизимдир. У бир қатор клиник кўрсаткичларни ўз ичига олади ва унинг якуний умумий балини ҳисоблаш осон, бироқ баҳолашни яқунлаш учун интероперацион маълумотлар керак бўлади. MPI интраабдоминал инфекциянинг оғирлиги, спецификлиги ва сезгирликни аниқлашда ва башоратини баҳолаш учун ишончли белгидир.

Диффуз перитонити бўлган I ва II таққослаш гуруҳларининг барча беморларига қабул қилинган кунида 1-2 соат давомида қисқа муддатли операциядан олдинги тайёргарликдан сўнг бемор шошилиш операцияга олинди ва перитонит сабаби аниқланиб бартараф қилинди. Кейинги этапда санация, қорин бўшлиғини тафтиш қилиш, зарарланган ҳудуддан бактериологик текширув учун намуна олинди ва I-гуруҳ беморларига анъанавий усулда қорин бўшлиғига учта дренаж ўрнатилди. II-асосий гуруҳ беморларига эса юқоридагиларга қўшимча равишда, қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун биз томондан таклиф қилинган кўп каналли мосламадан фойдаланилди.

Диссертациянинг "**Диффуз перитонит билан оғриган беморларни анъанавий даволаш натижалари**" деб номланган учинчи бобида Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилиш жарроҳлик бўлими ва РШТЎИМ Бухоро филиалида 2018-2024 йилларда даволанган турли этиологияли диффуз

перитонит билан касалланган I-гурух беморлари таҳлил қилинди. I-гурухга диффуз перитонит билан оғриган 57 нафар бемор киритилди. Этиологик омилга кўра, уларнинг 23 (40,3%) нафарида постапендикуляр перитонит, 9 (15,7%) нафар беморда гинекологик перитонит, 7 (12,7%) нафар беморда диффуз перитонит билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши, 6 (10,5%) нафар беморда ахлатли перитонит, 5 (8,7%) нафар беморлар геморрагик перитонит, 4 (7,1%) нафар беморлар сийдикли перитонит, 3 (5,2%) нафар ҳолларда беморлар билиар перитонит билан операция қилинган беморлар ташкил қилди (2-расм).



**2-расм. I-гурух беморларининг перитонитнинг этиологик омиллари бўйича тақсимланиши.**

Шуни таъкидлаш керакки, турли гуруҳларининг синхронлигини сақлаб қолиш мақсадида қандли диабет, СБЕ ва жигар циррози каби қўшимча касаллиги бор беморлар, шунингдек операциядан кейинги перитонит билан оғриган беморларда перитонит кечилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот гуруҳларига киритилмади.

Назорат гуруҳида ўткир диффуз перитонит билан оғриган 57 нафар бемордан 28 (49,1%) нафар бемор касаллик бошланганидан бошлаб биринчи кун давомида, 23 (40,3%) нафар бемор касалликнинг иккинчи кунда, яъни 48 соатгача, 6 (10,5%) нафар бемор касаллик бошланганидан уч кун ўтиб (72 соатгача) клиникага ётқизилган

I гуруҳнинг барча текширилган беморларида перитонитнинг характерли белгиларидан қоринда оғриқнинг кескин кучайиши, қорин олд девори мушакларининг таранглиги, қорин олд девори пальпациясида ўткир оғриқ борлиги ва Щёткин—Блумберг каби симптомлар кузатилди.

Бемор оғирлик ҳолатини объектив баҳолашда ва текширилган беморларда перитонитнинг натижасини тахмин қилишда муаллиф томонидан 11 та хавф омилидан иборат Мангейм перитонит индексидан (МПИ) фойдаланилган. Бунда индекснинг умумий қиймати 0 дан 53 баллгача бўлиши мумкин бўлиб, ҳар бир хавф омили 0 дан 12 гача баллгача баҳоланган. 29 баллдан юқори қиймат ҳалокатли натижа эҳтимолини тахмин қилади.

Мангейм индекси шкаласи бўйича назорат гуруҳида текширилган беморларнинг ўртача баллари 22,4 баллни ташкил этган.

Ташхис қўйишни тўғри таққослаш учун ўткир перитонит белгиларини симуляция қилувчи қўшимча касалликларнинг мавжудлиги ҳам ўрганилди. Зарурият бўлганда қорин бўшлиғини ултратовуш диагностикаси (УТИ), МСКТ ва рентген текшируви ва кўрсатмасига қараб диагностик лапароскопия ўтказилди. Лаборатория тадқиқотларидан қонда лейкоцитлар ва ЭҶТ, прокалцитонин ва С-реактив оксил, шунингдек ЛИИ каби организм интоксикациясини аниқлаш учун бошқа кўрсаткичлар эътибор қаратилди.



**3-расм. Ўрта – ўрта лапаротомия, кутарилувчи йўғон ичак перфорациясини тикиш, цекостома шакллантириш. Қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлаш операциясидан кейинги ҳолат.**

I-гуруҳдаги барча беморларга ташхис қўйиш учун шифохонага ётқизилган кунини объектив кўрув ва лаборатория текширувларидан ўтказилиб, кўрсатма бўлганда ултратовуш ва рентген текширувлари ўтказилди. Ўтказилган текширув натижаларига қараб беморларга ташхис қўйилгач қисқа муддатли (1-2 соат) операциядан олдинги тайёргарлиги ўтказилди ва физиологик эритма, минераллар ва қон реологиясини яхшилайдиган препаратлар ёрдамида инфузион, детоксификация терапия ўтказилди. Ушбу тадбирлардан сўнг умумий оғриқсизлантириш остида ўрта-ўрат лапаротомия, қорин бўшлиғи органларини тафтиш қилиш, перитонит сабабини ва перитонитнинг тарқалган соҳаларини аниқлашга доир чоратадбирлар ўтказилди. Кейинги жарроҳлик тадбирлари диффуз перитонит

манбасини йўқ қилиш, қорин бўшлиғи санацияси ва дренажлашга қаратилди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қорин бўшлиғини дренажлаш перитонит сабабига ва қорин бўшлиғининг перитонитга алоқадор соҳалари локализациясига қараб урта силикон дренаж ўрнатиш билан амалга оширилди.

Операция учун кесимни аниқлашда перитонит сабаби ва патологик жараён локализация ҳисобга олинди. Агар керак бўлса, ўрта лапаротом кесим юқорига ёки пастга кенгайтирилди. 3-расмдан кўриниб турибдики, юқори – лапаротом кесим асосан 5 (71,4%) ҳолатда яъни ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларининг тешилиши ва 2 (66,6%) беморда ўтли перитонит операцияси учун қўлланилди.

Назорат гуруҳида 34 (59,6%) нафар бемор асосан паски-ўрта лапаротом кесимдан фойдаланилди. Улардан 21 нафар беморда аппендикуляр перитонит, 5 нафар беморда гинекологик перитонит, 4 нафар беморда ахлатли перитонит, 3 ҳолатда геморрагик перитонит ва 1 нафар беморда сийдикли перитонит аниқланди.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг 11 (19,2%) нафарида паски-ўрта лапаротом кесим қўлланилган, улардан аппендикуляр перитонит билан оғриган 2 нафар бемор, гинекологик перитонит билан оғриган 4 бемор, 2 ҳолатда ахлатли перитонит ва 3 нафар беморда сийдик перитонит аниқланган.

Юқори-ўрат лапаротом кесим перитонитнинг сабаби ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси тешилиши бўлган 5 (8,7%) нафар беморларда, геморрагик перитонит билан 2 ҳолатда ва фақат бир ҳолатда ўтли перитонитда қўлланилган.

Назорат гуруҳидаги 57 нафар беморда операция жараёнида 23 (40,3%) нафар бемор деструктив аппендицит ташхиси билан операция ўтказилди. 9 (15,7%) нафар беморларда эктопик ҳомиладорликни бартараф этиш, 7 (12,2%) нафар беморларда тешилган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларисини тикиш (шундан юқоридаги патология аниқланган 5 нафар беморнинг 2 нафарида Жадду бўйича пилоропластика) операциялари ўтказилди.

6 (10,5%) нафар беморда зарарланган ичак деворини тикиш амалга оширилди (4 беморда йўғон ичак девори, 2 нафар беморда ингичка ичак девори). Геморрагик перитонит билан оғриган 9 нафар бемордан паренхимал органларнинг шикастланиши, жумладан 7 нафар беморда жигар шикастланиш туфайли, 2 ҳолатда исак тутқичнинг жароҳатланиши натижасида юзага келган ички қон кетиши кузатилган ва жароҳатлар тикилди.

Сийдик қопи девори шикастланган 4 (7,01%) нафар беморда сийдик пуфаги деворини тикиш амалга оширилди. 3 ҳолатда эса ўт пуфаги олиб ташланди (2 ҳолатда деструктив холецистит, битта ҳолатда ўт пуфаги деворининг шикастланиши).

Жарроҳлик операциясининг навбатдаги босқичи қорин бўшлиғининг инфекцияланган соҳасини санация қилиш бўлди. Шу билан бирга, биз қорин бўшлиғидаги мавжуд инфекциясини қорин парданинг соғлом соҳаларига тарқатмасликка ҳаракат қилинди. Бу учун, агар жараён кичик чанок

бўшлиғида бўлса, антисептик эритмаларнинг (физиологик эритма, фурацилин) кичик порцияси билан кичик чаноқ бўшлиғи ва жараёнга алоқадор бошқа соҳалар ювиб, қуритилди. Агар диффуз перитонит қорин бўшлиғининг ўрта ва юқори минтақаларида жойлашган бўлса, шикастланган жой қуруқ стерил тампонлар билан тозаланиб, кейинчалик антисептиклар билан намланган тампонлар билан тозаланди.

Шуни таъкидлаш керакки, назорат гуруҳидаги текширилган қорин пардадги яллиғланиш жараёни 57 нафар беморнинг 33 нафарида (57,8%) қорин бўшлиғининг учта соҳасига (В. С. Савелева. 2002), 18 (31,5%) нафар беморда тўртта соҳасига, 6 (10,5%) нафар беморнинг 5 нафарида анатомик соҳага тарқалганлиги кузатилди.

Назорат гуруҳидаги беморларда қорин бўшлиғи ажралмасининг табиати ўрганилганда 36 (63,1%) нафар беморда йирингли, 5 (8,7%) нафарида геморрагик, 3 (5,2%) нафарида ўтли, 13 (22,8%) нафарида эса сероз-лойқа ажралма борлиги аниқланди.

Перитонит сабаби ишончли бартараф этилганига ва қорин бўшлиғини санациясига тўлиқ ишонч ҳосил қилгандан сўнг, қорин бўшлиғи диаметри 0,5-0,8 см бўлган учта стерил силикон дренаж билан дренажланди. Қорин бўшлиғи зарарланишининг анатомик локализациясини ҳисобга олган ҳолда, юқориги дренаж ўнг олдинги қўлтиқ ости чизиғи (*linea axillaris anterior*) бўйлаб жигар ости соҳасига ўрнатилди. Пастки дренаж найчалари ўнг ёки чап ёнбош каналларга, чапдан пастки дренаж найчаси эса кичик чаноқ бўшлиғига ўрнатилди. Интероперацион ва операциядан кейинги даврнинг биринчи кунларида қорин бўшлиғи ажралмаси бактериологик текшируви натижалари аниқлангунга қадар Сулбактам+Цефоперазон ёрдамида эмпирик антибиотик терапияси ўтказилди. Антибиотикларга сезгирлик аниқлангандан сўнг, юқоридаги препаратлар ўрнига микрофлоранинг сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда антибиотиклар тавсия этилди. Шу билан бир қаторда операциядан олдин ўтказилган индивидиал мослик синама натижалари ҳам ҳисобга олинди. Операция операцион жароҳатни қаватма-қават тикиш билан якунланди.

Маълумки, ичак парезининг мавжудлиги ва ичак перистальтикасини тикланиши перитонит ҳолатини баҳолашнинг асосий мезонидир. Кузатувларда назорат гуруҳининг диффуз перитонит билан текширилган 57 беморнинг стационарга келган дастлабки кунда 40,3% беморда перистальтиканинг тўлиқ йўқлиги яъни ичак парезлари клиникасини аниқланди. Беморларнинг 59,7 % ида кучсиз ёки кучайган ичак перистальтикаси аниқланди. Операциядан кейинги даврда даволаш комплексига ичак перистальтикасини яхшиловчи чора-тадбирлар ҳам киритилди. Ичак перистальтикасини яхшилаш учун, кўрсатмага кўра, операциядан кейинги иккинчи кундан бошлаб кунига 1-2 мг прозерин суткасига 1-2 марта тери остига юбориб турилди. Паралитик ичак тутилиши кузатилган 23 нафар беморнинг 6 (26%) нафарида даволанишнинг иккинчи кунда ичак перистальтикаси тикланиши белгилари намоён бўлди, бу асосан

аускултацияда ичак перистальтикаси шовқинларининг пайдо булиши, газ ва нажас чиқиши билан намоён бўлди.


Динамикада даволанишнинг 5-кунига келиб, 23 нафар бемордан 19 нафарда (82,6%) ичак перистальтикаси тикланди. 4 (17,3%) нафар беморда, яъни назорат гуруҳи беморларининг 7,0 % ида ичак перистальтикаси даволанишнинг 5-кунига ҳам тикланмади. Динамик кузатув давомида операциядан кейинги 3-5 кунда ушбу беморларда операциядан кейинги секин кечувчи перитонит клиникаси аниқланди, уларга операциядан кейинги 3-4 кун ичида релапаратомия, қорин бўшлиғи санацияси ўтказилиб, тўртта дренаж билан дренажланди, ҳамда тегишлича перитонеал лаваж ва диализ ўтказилди.

Назорат гуруҳида текширилган 57 нафар беморнинг, 5 (8,7%) нафар беморда операциядан кейинги даврда операцион жароҳатнинг йиринглаши каби асорат кузатилди. Улардан иккита ҳолатда тери ости ёғ қатламидан серома оқиши кузатилган бўлса, 3 нафар беморда яллиғланган соҳа чоклари олингандан сўнг тери ости қатламидан йирингли ажралма чиқди. Тегишли маҳаллий санациядан сўнг (25% димексид эритмаси билан санация, левомекол малҳамини қўллаш) 2-3 кун ичида яра инфекциядан тозаланди ва жароҳат битиш жараёнининг иккинчи босқичига ўтди ва бу беморлар жароҳатига иккиламчи чоклар қўйилди. Назорат гуруҳидаги беморларни ўртача стационар даволаниш давомийлиги  $12,5 \pm 1,7$  кунни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Диффуз перитонит билан оғриган беморларни қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун поликаналли мослама ёрдамида даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, диффуз перитонит билан оғриган 46 нафар беморнинг анъанавий даволаш усулига қўшимча равишда қорин бўшлиғига антибактериал воситаларни юбориш учун поликаналли мослама қўлланиб даволанган натижалари келтирилган,

II тадқиқот гуруҳига диффуз перитонит билан касалланган 46 нафар бемор киритилган. Этиологик омилга кўра, уларнинг 18 (39,1%) нафар постаппендикуляр перитонит, 5 (10,8%) нафар бемор гинекологик перитонит, 6 (13%) нафар бемор ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси тешилиши сабабли ривожланган диффуз перитонит, 5 (10,8%) нафар бемор ахлатли перитонит, 5 (10,8%) бемор геморрагик перитонит, 3 (6,5%) нафар бемор сийдик перитонити, 4 (8,6%) нафар бемор ўтли перитонит билан касаллангани аниқланган (5-расм).

